# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2016 йил 14 апрель, № 73 (6508) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

## «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2016 йил 3 мартда қабул қилинган
Сенат томонидан 2016 йил 31 мартда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30 августда қабул қилинган **«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»**ги 279–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 142-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда, № 12, 350-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда) ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги таҳрири тасдиқлансин (илова қилинади).

**2-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**3-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2016 йил 13 апрель
№ ЎРҚ—404

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

## Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида

(янги таҳрири)

**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш, юритиш ва ҳисоботни тузиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

**2-модда. Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

**3-модда. Бухгалтерия ҳисобининг асосий принциплари**

Узлуксизлик, ишончлилик, кўрсаткичларнинг қиёсланувчанлиги бухгалтерия ҳисобининг асосий принципларидир.

**4-модда. Бухгалтерия ҳисоби**

Бухгалтерия ҳисоби барча хўжалик операцияларини яхлит, узлуксиз, ҳужжатлар асосида ҳисобга олиш йўли билан бухгалтерия ахборотини йиғиш, қайд этиш ва умумлаштиришнинг тартибга солинган тизимидан, шунингдек унинг асосида молиявий ва бошқа ҳисоботни тузишдан иборатдир.

Бухгалтерия ҳисоби хўжалик операциясини бухгалтерия ҳисобининг камида иккита счётида бир вақтда ва ўзаро боғлиқ ҳолда пулда баҳолаб акс эттириш йўли билан икки ёқлама ёзув усулида юритилади.

**5-модда. Бухгалтерия ахбороти**

Бухгалтерия ахбороти бошланғич ҳисоб ҳужжатларига асосланган, бухгалтерия ҳисоби регистрларида, молиявий ҳисоботларда, тушунтиришларда ҳамда бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритиш билан боғлиқ бошқа ҳужжатларда акс эттириладиган бухгалтерия ҳисоби объектлари ҳақидаги қайта ишланган маълумотлардир.

**6-модда. Бухгалтерия ҳисоби субъектлари**

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган юридик шахслар, уларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳамда ундан ташқарида жойлашган шўъба корхоналари, ваколатхоналари, филиаллари ва бошқа таркибий бўлинмалари бухгалтерия ҳисоби субъектларидир.

**(Давоми 2-бетда).**

Ўзбекистон банк тизими:

# БАРҚАРОР ФАОЛИЯТ, МУСТАҲКАМ КАФОЛАТ



*Пойтахтимиздаги “Кўргазма савдо маркази” мажмуасида банк технологиялари, ускуналари ва хизматлари бўйича “BankExpo — 2016” IX миллий кўргазмаси ўз ишини бошлади.*

*Мазкур тадбир Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар, Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмиталари, Ўзбекистон Банклари ассоциацияси каби қатор ташкилотлар ҳамкорлигида уюштирилди.*

«BANKEXPO — 2016»

Таъкидлаш жоизки, ушбу кўргазма Президентимизнинг 2015 йил 6 майдаги “Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастури, Инвестиция дастури ҳамда Ёшларга оид давлат сиёсатида белгиланган вазифалар доирасидаги энг муҳим анжуманлардан биридир. Чунки у мижозларни кредитлаш шартлари, молиявий хизматлар кўрсатиш тартиблари, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш даражаси билан яқиндан таништириш, аҳолининг банкларга бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш, кредит ташкилотлари фаолияти самарадорлигини яхшилашда муҳим аҳамият касб этади.

Айниқса, мамлакатимиз банк тизими барқарор фаолият юритаётгани нуфузли халқаро рейтинг ташкилотлари томонидан ўз эътирофини топаётгани диққатга сазовордир. Жумладан, “Moody’s”, “Standart & Poor’s”, “Fitch Ratings” каби халқаро рейтинг агентликлари республикамиз банк тизими ривожини мунтазам ижобий баҳолаб келаяпти.

Кўргазмада юртимиздаги барча тижорат банки, нобанк кредит ташкилотлари, етакчи суғурта ва лизинг компаниялари, ахборот технологиялари йўналишидаги компаниялар ўз маҳсулот ҳамда хизматларини тақдим қилмоқда.

— Масалан, биз иштирокчилар эътиборига “Мобиль банкинг” дастури имкониятлари ва жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар ҳамда уларга ҳисобланган фоиз тўловларини инфокиосклар орқали пластик карточкалар ёрдамида амалга ошириш хизматини ҳавола этаяпмиз, — дейди “Қишлоқ қурилиш банк”нинг Кредитлаш ва инвестицион фаолиятни мувофиқлаштириш департаменти бошлиғи ўринбосари Камол Турдиев. — Бу хизмат тури мижозлар вақтини тежаш баробарида, тўловларни қулай ва осон тарзда амалга ошириш имконини беради.

**(Давоми 4-бетда).**

# «Ўзбекистонда хусусий тадбиркорлик ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда»

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси Хитойнинг эксперт-таҳлил ҳамда ишбилармон доиралари вакилларида катта қизиқиш уйғотди.

ЭЪТИРОФ

Унда иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада тараққий топтириш бўйича илгари сурилган устувор вазифалар кенг муҳокама қилиниб, атрофлича ўрганилмоқда.

Хусусан, **Фудан университети ҳузуридаги Марказий Осиё мамлакатлари ва Россия тадқиқотлари маркази директори Чжао Хуашен** “Жаҳон” ахборот агентлиги мухбирига берган интервьюсида юртимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, қўлга киритилаётган ютуқларни юксак баҳолади.

— Ўзбекистон ўз олдига қўйган улкан мақсадлар сари дадил одимлаб, уларга босқичма-босқич эришаётгани, макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш, аҳоли ҳаёт даражасини юксалтиришга қаратилган ишларни изчил давом эттираётгани диққатга сазовор, — дея таъкидлади у. — Ҳозирги кунда жаҳон иқтисодиётида сақланиб турган мураккаб шароитга қарамасдан, мамлакатингизда улкан муваффақиятларга эришилаяпти. Бунинг замирида олиб борилаётган оқилона сиёсат, тинимсиз меҳнат ётганини хитойликлар яхши англашади. Қолаверса, республикангизда саноат салоҳиятини ошириш, ишлаб чиқаришни модернизациялашга жиддий аҳамият қаратилиб, бу борада зарур шарт-шароитлар яратиб берилганидан хабардормиз. Натижада Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлидан оғишмаган ҳолда, барқарор ривожланиш суръатларини сақлаб турибди.

Минтақа бўйича мутахассис сифатида эътиборимни тортган жиҳат шундаки, давлатингиз раҳбарияти тизимли ўзгаришларни амалга ошириш жараёнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб келмоқда. Шубҳасиз, бу ғоятда муҳим масала бўлиб, мазкур соҳа аҳоли бандлигини таъминлаш, турмуш фаровонлигини янада юксалтиришга мустаҳкам замин яратади.

Бу каби ислоҳотлар Ўзбекистон иқтисодиётида 2016 йилда ҳам юқори ўсиш суръатларига эришилиб, улкан муваффақиятларга асос бўлиб хизмат қилишига ишонаман.

**«Жаҳон» АА.**
Шанхай

# ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИДА УЧРАШУВ

*Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири А. Аҳмадбоев ШҲТга аъзо давлатлар Хавфсизлик кенгашлари котибларининг йиғилишида қатнашиш учун мамлакатимизга келган Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши аъзоси, жамоат хавфсизлиги вазири Го Шэнкун билан учрашди.*

Мулоқот чоғида ўзаро ҳурмат ва ишонч тамойилларига асосланган Ўзбекистон — Хитой муносабатлари турли йўналишларда изчил ривожланиб бораётгани таъкидланди. Бунда икки давлат раҳбарлари учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш борасидаги ўзаро ҳамкорликнинг асосий йўналиши турли таҳдид ва хавф-хатарларга биргаликда қарши курашиш бўйича чора-тадбирларни янада фаоллаштиришдан иборатдир. Ўзбекистон ва Хитой минтақада, дунёда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга муҳим ҳисса қўшаётган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратмоқда.

Учрашувда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида Ўзбекистонда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, фуқаролар осойишталигини таъминлашга қаратилаётган кенг кўламли ишлар юксак самаралар бераётгани алоҳида қайд этилди.

Тадбирда терроризм, экстремизм ва гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланиши билан боғлиқ жиноятларга қарши курашишда ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш, хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги билан Хитой Халқ Республикаси Жамоат хавфсизлиги вазирлиги ўртасида 2016 — 2017 йилларда ҳамкорликни янада ривожлантириш тўғрисида Протокол имзоланди.

**Нодира МАНЗУРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

ПАРЛАМЕНТ ҲАЁТИ

Мамлакатимизда жорий йилнинг июнь ойида кучга кирадиган Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги Қонуни мазмун-моҳиятини жамоатчиликка чуқур тушунтириш, “Электрон ҳукумат” тизимини такомиллаштиришда давлат органлари олдида турган долзарб вазифаларни белгилаб олиш, ҳуқуқни қўллаш самарадорлигини ошириш чора-тадбирларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

# «Электрон ҳукумат» тизимини ривожлантириш

## давлат органлари фаолиятининг тезкорлиги ва очиқлигини таъминлайди

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси томонидан Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан ҳамкорликда юртимизнинг барча ҳудудида маҳаллий давлат ҳокимияти, давлат ҳамда хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бошқармалари фаолиятига “Электрон ҳукумат” тизимини жорий қилиш ва ривожлантиришнинг долзарб масалаларига бағишлаб ўтказилган семинарлар шулар жумласидандир.

Уларда қайд этилганидек, юртимизда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини иқтисодиётимиз тармоқлари ҳамда ҳаётимизнинг барча жабҳасига кенг татбиқ қилиш, тадбиркорлик субъектлари ва аҳолига кўрсатилаётган давлат интерактив хизмати турларини кенгайтириш мақсадида тизимли ишлар амалга оширилаётир. “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши ушбу йўналишдаги саъй-ҳаракатларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаши билан аҳамиятлидир.

— Маҳаллий давлат ҳокимияти, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бошқармалари фаолиятига “Электрон ҳукумат” тизимини жорий қилиш ҳамда ривожлантириш масалаларига бағишланган семинарларда икки ярим мингдан зиёд иштирокчи қамраб олинди, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси Расул Кушербаев. — Уларда электрон ҳукуматнинг асосий вазифалари ҳамда принциплари, электрон давлат хизматлари кўрсатиш, бу соҳанинг давлат томонидан тартибга солинишига оид қоидалар атрофлича тушунтирилди.

**(Давоми 3-бетда).**

## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

# Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида

## (янги таҳрири)

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахслар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек чет эл юридик шахсларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ваколатхоналари, филиаллари ва бошқа таркибий бўлинмалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисоб юритади ҳамда ҳисобот тақдим этади.

**7-модда. Бухгалтерия ҳисоби объектлари**

Активлар, мажбуриятлар, хусусий капитал, захиралар, даромадлар, харажатлар, фойда, зарарлар ва уларнинг ҳаракати билан боғлиқ хўжалик операциялари бухгалтерия ҳисобининг объектларидир.

Бухгалтерия ҳисоби объектлари синтетик ва аналитик ҳисобларда юритилади.

**8-модда. Синтетик ва аналитик ҳисоб**

Синтетик ҳисоб қонун ҳужжатларида белгиланадиган тартибда бухгалтерия ҳисоби объектлари ҳақидаги маълумотларни муайян иқтисодий белгилари бўйича умумлаштириш йўли билан амалга оширилади.

Аналитик ҳисоб бухгалтерия ҳисоби объектлари ҳақидаги батафсил бухгалтерия ахборотини шакллантириш мақсадида бухгалтерия ҳисобининг субъекти томонидан мустақил равишда белгиланадиган тартибда юритилади.

**9-модда. Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини тартибга солиш**

Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботни тартибга солиш, бухгалтерия ҳисоби стандартларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг зиммасига юклатилади.

Бухгалтерия ҳисобини юритиш қоидалари бухгалтерия ҳисоби стандартлари, шу жумладан кичик тадбиркорлик субъектлари учун соддалаштирилган бухгалтерия ҳисобини юритиш стандарти билан белгиланади.

Бюджет ташкилотларининг ҳамда давлат мақсадли жамғармаларининг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботини тартибга солиш бюджет ҳисоби стандартлари ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари асосида амалга оширилади.

Банклар ва бошқа кредит ташкилотларининг бухгалтерия ҳисоби ҳамда ҳисоботини тартибга солиш Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

**10-модда. Бухгалтерия ҳисоби стандартлари**

Бухгалтерия ҳисоби стандартлари бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тузишга доир минимал талабларни белгилайди.

Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш, юритиш ва молиявий ҳисоботни тузишга доир махсус талабларни белгилайди.

Бухгалтерия ҳисоби субъектлари молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қўллаши мумкин.

**11-модда. Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этиш**

Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этишни бухгалтерия ҳисоби субъектининг раҳбари амалга оширади.

Бухгалтерия ҳисоби субъектининг раҳбари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

бухгалтерия ҳисоби хизматининг раҳбари бошчилигида бухгалтерия ҳисоби хизматини ташкил этиш ёки шартнома асосида жалб қилинган бухгалтер хизматидан фойдаланиш;

бухгалтерия ҳисобини юритишни ихтисослаштирилган ташкилотга (аудиторлик ташкилотлари, солиқ маслаҳатчилари ташкилотлари ва уставида бухгалтерия ҳисобини юритиш бўйича хизмат кўрсатиш назарда тутилган бошқа ташкилотлар) шартнома асосида юклаш;

бухгалтерия ҳисобини мустақил юритиш.

Бухгалтерия ҳисоби субъектининг раҳбари:

ҳисоб сиёсати, ички ҳисоб ва ҳисобот тизими ишлаб чиқилишини;

ички назорат тартибини;

бухгалтерия ҳисоби тўлиқ ва ишончли юритилишини;

ҳисоб ҳужжатларининг бут сақланишини;

молиявий ҳисоботнинг тайёрланишини;

солиқ ҳисоботининг ва бошқа молиявий ҳужжатларнинг тайёрланишини;

ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилишини;

ушбу Қонун 12-моддасининг талабларига риоя этилишини таъминлаши шарт.

**12-модда. Бухгалтерия ҳисоби хизматининг раҳбари**

Бош бухгалтер ёки бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқариш вазифаларини амалга оширувчи бошқа мансабдор шахс бухгалтерия ҳисоби хизматининг раҳбаридир.

Бухгалтерия ҳисоби хизматининг раҳбари бевосита бухгалтерия ҳисоби субъектининг раҳбарига бўйсунади.

Бухгалтерия ҳисоби хизмати раҳбарининг хўжалик операцияларини ҳужжатлар асосида расмийлаштириш ва уларни бухгалтерия ҳисоби хизматига тақдим этиш бўйича талаблари бухгалтерия ҳисоби субъектининг барча ходимлари учун мажбурийдир.

Бухгалтерия ҳисоби субъектининг раҳбари ва бухгалтерия ҳисоби хизматининг раҳбари ўртасида айрим хўжалик операцияларини амалга оширишга доир келишмовчиликлар юзага келган тақдирда, улар бўйича ҳужжатлар операциялар амалга оширилишининг оқибатлари учун шахсан жавобгар бўлган бухгалтерия ҳисоби субъекти раҳбарининг ёзма фармойиши билан ижрога қабул қилиниши мумкин.

Мажбурий аудиторлик текширувидан ўтиши лозим бўлган бухгалтерия ҳисоби субъектининг (банклар ва бошқа кредит ташкилотлари бундан мустасно) бухгалтерия ҳисоби хизмати раҳбари қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

олий маълумотга эга бўлиш;

олий иқтисодий маълумотга эга бўлган тақдирда, охирги беш календарь йилдан камида уч йили, ноиқтисодий олий маълумотга эга бўлган тақдирда эса, охирги ўн календарь йилдан камида етти йили бухгалтерия ҳисобини юритиш ёки молиявий ҳисоботни тузиш ёхуд аудиторлик фаолияти билан боғлиқ иш стажига эга бўлиш.

Мажбурий аудиторлик текширувидан ўтиши лозим бўлган бухгалтерия ҳисоби субъектининг раҳбари бухгалтерия ҳисоби хизмати раҳбарининг ҳар йили малака оширишдан ўтишини таъминлаши шарт.

Ушбу модда бешинчи ва олтинчи қисмларининг талаблари мажбурий аудиторлик текширувидан ўтиши лозим бўлган бухгалтерия ҳисоби субъектининг раҳбари бухгалтерия ҳисобини юритишни шартнома асосида зиммасига юклаган ихтисослаштирилган ташкилот ходимига нисбатан ҳам татбиқ этилади.

Белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган, шунингдек қасддан содир этилган жиноят учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахс бухгалтерия ҳисоби хизматининг раҳбари бўлиши мумкин эмас.

Банклар ва бошқа кредит ташкилотларининг бухгалтерия ҳисоби хизмати раҳбарларига қўйиладиган талаблар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланади.

**13-модда. Имзо ҳуқуқи**

Пул, товар-моддий бойликларни ва бошқа бойликларни қабул қилиш ҳамда бериш учун асос бўлиб хизмат қиладиган ҳужжатлар, кредит ва ҳисоб-китоб мажбуриятлари, шунингдек молиявий ва бошқа ҳисоботлар бухгалтерия ҳисоби субъектининг раҳбари томонидан ёки у белгилайдиган шахслар томонидан имзоланади.

Бухгалтерия ҳисоби субъектининг раҳбари имзолаш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг иккита рўйхатини тасдиқлайди. Биринчи рўйхатга бухгалтерия ҳисоби субъектида раҳбарлик вазифаларини амалга оширувчи шахслар, иккинчисига эса, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқариш вазифаларини амалга оширувчи шахслар киради. Агар бухгалтерия ҳисоби субъекти раҳбари бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқариш вазифаларини ўз зиммасига олган бўлса, у ҳолда ҳар иккала рўйхатда ҳам ўзини кўрсатади.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган шахсларнинг имзоси мавжуд бўлмаган ҳужжатлар ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

**14-модда. Бошланғич ҳисоб ҳужжатлари**

Операциялар амалга оширилганлигини қайд этувчи бошланғич ҳисоб ҳужжатлари ва уларни ўтказишга доир фармойишлар хўжалик операцияларининг бухгалтерия ҳисоби учун асос бўлади. Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан савдо ва сервис соҳасида олинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақи банк корпоратив пластик карталаридан фойдаланган ҳолда тўланганида тўлов терминалларининг чеклари ҳам бошланғич ҳисоб ҳужжатлари деб тан олинади.

Бошланғич ҳисоб ҳужжатлари хўжалик операциялари амалга оширилаётган пайтда ёки операциялар амалга ошириб бўлинганидан кейин тузилади.

Ҳисобот даврига тегишли бўлган хўжалик операциялари, агар улар амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар олинмаган бўлса, тегишли бошланғич ҳужжат расмийлаштирилиб, бухгалтерия ҳисобида акс эттирилади.

Бошланғич ҳисоб ҳужжатларининг мажбурий реквизитлари қуйидагилардир:

бухгалтерия ҳисоби субъектининг номи;

ҳужжатнинг номи ва рақами, у тузилган сана ва жой;

хўжалик операциясининг номи, мазмуни ва ўлчов бирликлари кўрсатилган миқдор ўлчови (натура ва пулда ифодаланган ҳолда);

хўжалик операциясини бажарган шахсларнинг (шахснинг) идентификация қилиш учун зарур бўлган фамилияси ҳамда исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари ёхуд бошқа реквизитлари кўрсатилган ҳолда лавозимлари номи ва имзолари.

Бошланғич ҳисоб ҳужжатларини тузган ҳамда имзолаган шахслар уларнинг ўз вақтида, тўғри ва ишончли тузилиши, шунингдек бухгалтерия ҳисобида акс эттириш учун белгиланган муддатларда топширилишига жавобгардир.

Бошланғич ҳисоб ҳужжатлари электрон ҳужжат тарзида тузилиши ва тақдим этилиши мумкин.

Бошланғич ҳисоб ҳужжатларига хўжалик операцияси иштирокчилари томонидан тасдиқланмаган тузатишлар киритилишига йўл қўйилмайди. Банк ва касса-пул ҳужжатларида тузатишлар ҳамда ўчириб ёзишларга йўл қўйилмайди.

**15-модда. Бухгалтерия ҳисоби регистрлари**

Бухгалтерия ҳисоби регистрлари икки ёқлама ёзув усулига мувофиқ юритиладиган журналлар, қайдномалар, китоблар ва тасдиқланган бланкалардан (шакллардан) иборатдир.

Бухгалтерия ҳисоби регистрлари техника воситаларидан, ахборот тизимларидан ва ахборот технологияларидан фойдаланилган ҳолда электрон ҳужжат тарзида яратилиши, ишлов берилиши ва сақланиши мумкин.

Бухгалтерия ҳисоби регистрларида бошланғич ҳисоб ҳужжатларидаги маълумотлар тизимлаштирилиши ва тўпланиши керак.

Бухгалтерия ҳисоби регистрининг мажбурий реквизитлари қуйидагилардан иборат:

регистрнинг номи;

бухгалтерия ҳисоби субъектининг номи;

регистрни юритиш бошланган ҳамда тугалланган сана ва (ёки) регистр тузилган давр;

хўжалик операцияларининг хронологик ва (ёки) тизимли гуруҳланиши;

хўжалик операцияларининг ўлчов бирлиги кўрсатилган ҳолда пулдаги ўлчов миқдори;

регистрни юритиш учун масъул бўлган шахсларнинг лавозимлари, фамилиялари ҳамда исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари кўрсатилган ҳолдаги имзолари ёки ушбу шахсларни идентификация қилиш учун зарур бўлган бошқа реквизитлар.

Бухгалтерия ҳисоби регистрларига тасдиқланмаган тузатишлар киритилишига йўл қўйилмайди.

**16-модда. Активлар ва мажбуриятларни инвентаризация қилиш**

Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот маълумотларининг тўғрилиги ҳамда ишончлилиги активлар ва мажбуриятларни мажбурий тарзда инвентаризациядан ўтказиш орқали тасдиқланади. Инвентаризация объектлари, уни ўтказиш тартиби ва муддатлари инвентаризация бўйича бухгалтерия ҳисоби стандартида белгиланади.

**17-модда. Активлар ва мажбуриятларни баҳолаш**

Товар-моддий захираларни баҳолаш қуйидаги иккита баҳонинг энг пасти бўйича — баланс тузилаётган санадаги ҳақиқий таннарх (сотиб олиш нархи ёки ишлаб чиқариш таннархи) бўйича ёки бозор баҳоси (реализация қилишнинг соф қиймати) бўйича амалга оширилади.

Асосий воситалар ва номоддий активлар уларнинг бошланғич (қайта тикланиш) қиймати бўйича ҳисобга олинади.

Асосий воситалар ва номоддий активлар қийматини ҳисобдан чиқариш уларнинг қиймати тўлиқ қоплангунига ёки объект ҳисобдан чиқиб кетгунига қадар эскиришни (амортизацияни) ҳисоблаш йўли билан амалга оширилади. Амортизация ажратмалари объект фойдаланишга топширилганидан кейинги ойдан бошлаб амалга оширилади. Ернинг қиймати амортизация қилинмайди.

Молиявий қўйилмалар бухгалтерия ҳисоби стандартларига мувофиқ ҳисобга олинади.

Мажбуриятлар тарафларнинг келишувига мувофиқ пулда ифодаланган ҳолда акс эттирилади.

Суд қарори бўйича юзага келган мажбуриятлар тегишли суммада акс эттирилади.

Шартли активлар ва мажбуриятлар бухгалтерия ҳисоби стандартларига мувофиқ акс эттирилади.

Бюджет ташкилотларининг активлари ва мажбурият-ларини баҳолаш бюджет ҳисоби стандартларига мувофиқ амалга оширилади.

Бухгалтерия ҳисоби миллий валютада — сўмда юритилади.

**18-модда. Даромадлар ва харажатларни ҳисобга олиш**

Даромадлар ва харажатлар тўланган вақти ва пул келиб тушган санадан қатъи назар, қайси даврга тааллуқли бўлса, ўша ҳисобот даврида бухгалтерия ҳисоби стандартларига мувофиқ акс эттирилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси бўйича даромадлар ва харажатлар бюджет тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ акс эттирилади.

**19-модда. Хусусий капитални ҳисобга олиш**

Хусусий капитал устав фондидан (устав капиталидан), қўшилган, захира капиталидан ва тақсимланмаган фойдадан таркиб топади.

Устав фонди (устав капитали) таъсис ҳужжатларида белгиланган ҳиссаларнинг (пулда ифодаланган ҳолдаги) йиғиндисини акс эттиради. Устав фондига (устав капиталига) ҳиссалар шаклида киритиладиган моддий ва номоддий активлар таъсисчилар (иштирокчилар) ўртасидаги келишувга кўра баҳоланади, қонунда назарда тутилган ҳолларда эса, баҳоловчи ташкилот томонидан баҳоланиши керак.

Қўшилган капитал акцияларни номинал қийматидан баланд нархларда дастлабки сотишдан олинадиган эмиссия даромадини, шунингдек эквиваленти чет эл валютасида ифодаланган устав фондини (устав капиталини) шакллантириш жараёнида юзага келадиган курс фарқини акс эттиради.

Захира капитали узоқ муддатли активларни қайта баҳолашда ҳосил бўладиган инфляция захираларини, қонун ҳужжатларида ва таъсис ҳужжатларида назарда тутилган миқдорларда соф фойдадан ажратмаларни, шунингдек текинга олинган мол-мулкнинг қийматини акс эттиради.

Тақсимланмаган фойда фойданинг жамғарилаётганли-гини ифодалайди ва мулкдорларнинг қарорига биноан устав фондига (устав капиталига) қўшилиши мумкин.

**20-модда. Гаровни ҳисобга олиш**

Ўзининг ёки ўзгаларнинг мажбуриятларини таъминлаш учун гаровга берилган мол-мулкнинг қиймати, шу жумладан пул маблағлари бухгалтерия ҳисоби субъекти томонидан бошқа активлардан алоҳида ҳисобга олинади.

Гаровга олинган мол-мулкнинг қиймати, гаров сифатида қабул қилиб олинган пул маблағлари ва валюта бойликлари алоҳида балансдан ташқари счётларда акс эттирилади.

**21-модда. Ички назорат**

Ички назорат бухгалтерия ҳисобини юритишда, молиявий ва бошқа ҳисоботларни тузишда хўжалик операцияларини амалга оширишнинг қонунийлигини, иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлигини, активларнинг бут сақланишини таъминлаш, талон-торож қилиш ҳоллари ва хатоликларнинг олдини олиш ҳамда аниқлаш мақсадида бухгалтерия ҳисоби субъектининг раҳбари томонидан қабул қилинган ҳисоб сиёсати асосида ташкил этилган чора-тадбирлар тизимидир.

Бухгалтерия ҳисоби субъекти ички назоратни ташкил этади ва амалга оширади.

**22-модда. Молиявий ҳисобот**

Молиявий ҳисобот бухгалтерия ҳисоби субъектининг ҳисобот санасидаги молиявий ҳолати, ҳисобот давридаги фаолиятининг молиявий натижаси ва пул маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги тизимлаштирилган ахборотдан иборатдир.

Йиллик молиявий ҳисобот қуйидагиларни ўз ичига олади:

бухгалтерия баланси;

молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот;

пул оқимлари ҳақидаги ҳисобот;

хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот;

изоҳлар, ҳисоб-китоблар ва тушунтиришлар.

Халқаро стандартлар бўйича тузиладиган молиявий ҳисоботга доир талаблар молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларида белгиланади.

Бухгалтерия ҳисоби субъекти молиявий ҳисоботни тузишда мустақил балансга ажратилган ўз ваколатхоналарининг, филиалларининг ва бошқа таркибий бўлинмаларининг бухгалтерия балансларини ҳамда бошқа ҳисобот шаклларини киритиши керак.

Молиявий ҳисобот ҳисобот йили бошидан ортиб борувчи якун билан тузилади.

Бюджет ташкилотларининг молиявий ҳисоботи бюджет тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ тузилади ва тақдим этилади.

Молиявий ҳисоботнинг таркиби ва мазмуни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланади.

Банклар ва бошқа кредит ташкилотлари молиявий ҳисоботининг таркиби ҳамда мазмуни Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланади.

**23-модда. Консолидациялашган молиявий ҳисобот**

Асосий хўжалик жамияти бўлган ва шўъба хўжалик жамиятларига, ўз назорати остидаги ташкилотларга эга бухгалтерия ҳисоби субъекти консолидациялашган молиявий ҳисоботни тузади.

Консолидациялашган молиявий ҳисоботни тузиш тартиби, шунингдек асосий хўжалик жамиятининг назорати остидаги ташкилотларга қўйиладиган талаблар бухгалтерия ҳисоби стандартлари билан белгиланади.

Ушбу модда талаблари вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва бюджет ташкилотларининг жамланма молиявий ҳисоботига нисбатан татбиқ этилмайди.

**24-модда. Молиявий ҳисоботнинг ҳисобот даври**

1 январь — 31 декабрь календарь йили йиллик молиявий ҳисоботнинг ҳисобот давридир.

1 январдан бошлаб даврий молиявий ҳисобот тузилаётган даврнинг ҳисобот санасини ҳам қамраб олган давр календарь йил мобайнида тузиладиган даврий молиявий ҳисобот учун ҳисобот давридир.

Янгидан ташкил этилган юридик шахслар учун юридик шахс ҳуқуқи қўлга киритилган санадан бошлаб ўша йилнинг 31 декабрига қадар бўлган давр, юридик шахс бўлмаганлар учун эса, улар давлат органларида рўйхатдан ўтказилган санадан бошлаб ўша йилнинг 31 декабрига қадар бўлган давр биринчи ҳисобот йили деб ҳисобланади.

Агар юридик шахс (бюджет ташкилотларидан ташқари) 1 октябрдан кейин рўйхатга олинган бўлса, биринчи ҳисобот йили кейинги йилнинг 31 декабрида тугайди.

Рўйхатдан ўтилгунига ёки юридик шахс ҳуқуқи олингунига қадар амалга оширилган хўжалик операциялари тўғрисидаги маълумотлар биринчи ҳисобот йилининг молиявий ҳисоботига киритилади.

**25-модда. Молиявий ҳисоботни тақдим этиш**

Молиявий ҳисобот қуйидагиларга тақдим этилади:

давлат солиқ хизмати органларига;

таъсис ҳужжатларига мувофиқ мулкдорларга;

давлат статистика органларига;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа органларга.

Молиявий ҳисобот электрон ҳужжат тарзида тақдим этилиши мумкин.

Молиявий ҳисобот йилнинг ҳар чорагида тақдим этилади. Кичик корхоналар ва микрофирмалар бухгалтерия балансидан ҳамда молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботдан иборат фақат йиллик молиявий ҳисоботни тақдим этади.

Молиявий ҳисоботни тақдим этиш муддатлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан бухгалтерия ҳисобининг айрим субъектлари учун молиявий ҳисоботни тақдим этишнинг бошқа муддатлари белгиланиши мумкин.

**26-модда. Молиявий ҳисоботни эълон қилиш**

Хўжалик юритувчи субъектларнинг йиллик молиявий ҳисоботи манфаатдор банклар, биржалар, инвесторлар, кредиторлар, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа шахслар учун очиқдир.

Акциядорлик жамиятлари, шунингдек суғурта ташкилотлари, банклар, жамоат фондлари ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ташкилотлар ҳар йилги молиявий ҳисоботни акциядорларнинг ёки бухгалтерия ҳисоби субъекти бошқа юқори бошқарув органининг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида икки ҳафта олдин аудиторлик хулосаси билан бирга эълон қилиши шарт.

Ушбу модда ўзига нисбатан қонун ҳужжатларининг бошқа талаблари белгиланган бухгалтерия ҳисоби субъектларининг молиявий ҳисоботига татбиқ этилмайди.

**27-модда. Тугатиш чоғидаги молиявий ҳисобот**

Хўжалик юритувчи субъектни тугатиш чоғида якуний молиявий ҳисобот тузилади.

Тугатиш бўйича операцияларни ҳисобга олиш, тугатиш балансини ва ҳисоботни тузиш, активлар қийматини аниқлаш юзасидан жавобгарлик тугатиш комиссиясининг (тугатувчининг) зиммасига юклатилади.

Умидсиз қарзлар ва зарарлар тугатиш балансига киритилмайди.

Тугатиш балансида мажбуриятлар уни тузиш санасида ҳисобланган фоизлари билан акс эттирилади.

**28-модда. Бухгалтерия ахборотининг махфийлиги**

Бухгалтерия ҳисобини юритишда махфийликка риоя қилинади. Бухгалтерия ҳисоби регистрларининг мазмуни билан танишишга бухгалтерия ҳисоби субъекти раҳбарининг рухсатига кўра ёки қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда йўл қўйилади.

Бухгалтерия ҳисоби регистрлари билан танишишга рухсат олган шахслар махфийликни сақлаши шарт. Махфийликни бузганлик қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади.

**29-модда. Бухгалтерия ҳужжатларини сақлаш**

Бошланғич ҳисоб ҳужжатлари, бухгалтерия ҳисоби регистрлари, молиявий ҳисобот ва бошқа ҳисоботлар, шунингдек бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ҳамда юритиш билан боғлиқ бошқа ҳужжатлар қонун ҳужжатларида белгиланган муддатлар мобайнида, бироқ ҳисобот йилидан кейин камида беш йил бухгалтерия ҳисоби субъекти томонидан сақланади.

Бухгалтерия ҳужжатларини олиб қўйиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

**30-модда. Бухгалтерларнинг жамоат бирлашмалари**

Бухгалтерлар умумий манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бухгалтерларнинг жамоат бирлашмаларини тузиш ҳуқуқига эга.

**31-модда. Низоларни ҳал этиш**

Бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш, юритиш ва ҳисоботни тузиш соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

**32-модда. Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

# «Электрон ҳукумат» тизимини ривожлантириш

## давлат органлари фаолиятининг тезкорлиги ва очиқлигини таъминлайди

Шу йилдан эътиборан жойларда йўлга қўйилган "Ягона дарча" марказлари орқали тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатишда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш афзалликлари ҳақида ҳам тўхталиб ўтилди. Иштирокчилар мутахассислардан ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди, электрон ҳукумат соҳасида ҳуқуқни қўллаш амалиёти бўйича ишлаб чиқилган методик тавсиялар билан таништирдилар.

— Ўзбекистон Республикасининг "Электрон ҳукумат тўғрисида"ги Қонуни давлат органлари фаолиятининг тезкорлиги ва шаффофлигини таъминлашда, аҳоли ҳамда тадбиркорлик субъектлари билан ахборот алмашишни мустаҳкамлашнинг қўшимча механизмларини яратишда муҳим ўрин тутади, — дейди Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Сирдарё вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи Баҳодир Хидиров. — Шу маънода, "Электрон ҳукумат" тизимини шакллантириш, тадбиркорлик субъектлари ва аҳолига давлат интерактив хизматлари кўрсатишнинг электрон шаклларини ривожлантиришга ҳаракат қилинмоқда. 2015 йили вилоятда ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича учта йирик лойиҳа амалиётга татбиқ этилган бўлса, бу йил йигирмата ана шундай лойиҳани рўёбга чиқариш белгиланган. "Электрон ҳукумат" тизими доирасида бир нечта ахборот ва маълумотлар базаси, 4 та лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилган.

Қонунда белгиланганидек, "электрон ҳукумат" — давлат органларининг жисмоний ва юридик шахсларга ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш йўли билан давлат хизматларини кўрсатишга доир фаолиятини, шунингдек, идоралараро электрон ҳамкорлик қилишни таъминлашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар ва техник воситалар тизимидир.

— Ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш асосида давлат органлари фаолияти самарадорлигини янада ошириш, электрон давлат хизматлари кўрсатиш тартибини соддалаштириш, тадбиркорлик субъектлари учун қулай имкониятлар яратиш каби мақсадлар кўзланган мазкур Қонунда "Электрон ҳукумат" тизимини жорий этишнинг асосий йўналишлари аниқ белгилаб берилган, — дейди Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи Нодир Эшназаров. — Ўтказилган семинарда "Электрон ҳукумат" тизимини ривожлантиришда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари олдида турган муҳим вазифалар ҳақида батафсил сўз юритилди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, сўнгги пайтда вилоят аҳолисининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига электрон тарзда мурожаат қилиш кўрсаткичи сезиларли равишда ошиб бормоқда. Айни чоғда, ҳокимликлар, давлат бошқаруви органлари ўз фаолияти ҳақида веб-сайтлари орқали аҳолига зарур маълумот, ахборот ва янгиликлар тақдим этаётир. Бу кундалик ҳаётимизда замонавий ахборот технологияларидан тобора кенг фойдаланилаётганидан далолатдир.

Ўтган йили Жиззах вилоятидаги қирқдан ортиқ корхона ва ташкилотларнинг веб-сайтлари очилди. Бугунги кунга келиб, ҳудудда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг 90 дан ортиқ веб-сайтлари ишлаб турибди.

— Ҳокимликларда электрон ахборот хизматларининг жорий этилиши туфайли маҳаллий давлат бошқаруви органлари фаолияти ҳақида фуқароларнинг хабардорлигини таъминлаш, аҳолига давлат хизматлари кўрсатиш бўйича ходимлар малакасини ошириш борасида ижобий самараларга эришилди, вилоят ҳокимлиги веб-сайтида "Очиқ маълумотлар" базаси жорий қилинди, — дейди Жиззах вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги компьютерлаштириш маркази давлат унитар корхонаси директори Толибжон Эргашев. — Вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайти аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига кўрсатилаётган интерактив хизматлар ягона портали билан боғланиб, имконияти чекланган фуқаролар, мобиль алоқа ускуналаридан фойдаланувчилар, ариза ҳамда шикоят билан мурожаат қилувчилар учун ҳам янги қулайликлар яратилгани "Электрон ҳукумат тўғрисида"ги Қонунда белгиланган меъёрларга жавоб беради. Бугунги кунда вилоят ҳокимлиги веб-сайтида ягона портал орқали 12 турдаги давлат интерактив хизматлари ва 16 турдаги қўшимча интерактив хизматлар кўрсатилмоқда. Шулардан 9 таси тадбиркорлик субъектлари фаолиятини яхшилашга йўналтирилган.

Хулоса ўрнида айтганда, ҳудудларда ўтказилган тадбирлар "Электрон ҳукумат" тизимини янада кенг тарғиб этишга, бу борада фуқаролар, тадбиркорларнинг ҳуқуқий билимини оширишга хизмат қилади.

**Фарида МАҲКАМОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### АНЖУМАН

Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан "Ярашув институти — халқимизга хос бағрикенглик ва олижаноблик ифодаси" мавзуида матбуот анжумани ўтказилди.

# Ярашув институти

## халқимизга хос бағрикенглик ва олижаноблик фазилатларининг ҳаётий ифодасидир

Тадбирда мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ суд ҳокимиятини фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қила оладиган мустақил давлат институтига айлантиришга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилаётгани таъкидланди. Хусусан, ўтган даврда жиноят-процессуал ҳамда фуқаролик-процессуал қонунчилиги ислоҳ қилиниб, суд тизими ижро этувчи ҳокимият органлари назорати ҳамда таъсиридан чиқарилди.

Бу борада, аввало, жиноят ҳамда жиноят-процессуал қонунчилигини либераллаштириш, уни инсонпарварлик тамойилларига мувофиқлаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини айтиш зарур.

Шу мақсадда 2001 йилда "Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонун қабул қилиниб, ҳаётга татбиқ этилди. Унга кўра, жиноятлар таснифи ўзгартирилди, яъни оғир ва ўта оғир тоифадаги жиноятларнинг қарийб 75 фоизи ижтимоий хавфи катта бўлмаган ҳамда унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига ўтказилди.

Бундан ташқари, иқтисодиёт соҳасидаги жиноят ишлари бўйича қамоқ ва озодликдан маҳрум этиш жазолари ўрнига жарима жазоси жорий этилиши муҳим воқеа бўлди. Айни чоғда инсонпарварлик тамойилларига зид бўлган мол-мулкни мусодара қилиш жазо турлари рўйхатидан чиқарилди. Жиноят кодексининг 11 моддасига янги қоидалар киритилди.

Қайд этилдики, ушбу Қонун билан 2001 йилдан бошлаб суд амалиётига ярашув институти жорий этилиши тизим ислоҳотларида муҳим босқични бошлаб берди. Эндиликда ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноий қилмишни содир этган шахс жабрланувчига етказилган зарарни қопласа, у жиноий жавобгарликка тортилмайди. Суд-ҳуқуқ соҳасидаги бундай янгиланишлар қанчалик оқилона эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

— Ярашув институти жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг бир тури сифатида шахснинг айбдорлик масаласини ҳал қилмай туриб жиноят ишини тугатиш учун асос бўлади, — дейди Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Тадқиқот маркази бўлим бошлиғи Р. Тошбоев. — Ҳозирги пайтда Жиноят кодексининг 44 та моддасида назарда тутилган 60 та жиноят таркиби бўйича ярашув институтини қўллаш имконияти мавжуд. Бу институт жиноят қонунчилигига жорий этилганидан 2016 йилнинг 1 январига қадар республика бўйича 177 минг 492 нафар шахсга нисбатан 163 минг 759 та жиноят иши тарафларнинг ўзаро ярашганлиги муносабати билан ҳаракатдан тугатилди. Ярашув тўғрисидаги ишларни юритишда қисқа муддатда тарафлар ўртасидаги низо бартараф этилаётгани, жабрланувчининг бузилган ҳуқуқлари тикланаётгани ва унга етказилган зарар тўлиқ қоплаб берилаётгани ҳамда судланувчи жиноий жавобгарликдан озод қилинаётгани, айниқса, эътиборга моликдир.

Шунингдек, анжуманда ярашув институтининг ҳозирги ҳолати ҳамда уни янада такомиллаштириш юзасидан амалга оширилаётган ишлар юзасидан маълумотлар берилди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### «БИЗ — БУЮК ЮРТ ФАРЗАНДЛАРИМИЗ!»

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб "Биз — буюк юрт фарзандларимиз!" шиори остида мамлакатимиз бўйлаб ташкил этилаётган ёшлар фестивали Навоий вилоятида ҳам кўтаринки руҳда ўтказилди.

# Ватан меҳри ёшлар қалбида

Анжуманда фарзандларимизнинг ҳар томонлама кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари учун кенг имкониятлар яратилаётгани алоҳида таъкидланди.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши ташаббуси билан уюштирилаётган мазкур лойиҳа ҳам навқирон авлод вакилларини эзгу ғоялар атрофида бирлаштириш, иқтидор ҳамда салоҳиятини юзага чиқаришга хизмат қилмоқда. Фестиваль доирасида Навоий вилоятининг барча ҳудудида бўлиб ўтган турли танлов ва семинарларда илм-фан ҳамда спорт соҳасида юксак марраларни қўлга киритган йигит-қизлар, шоиру адиблар, олимлар, маданият ва санъат намояндалари қатнашди.

— Озод ҳамда обод юртнинг фарзанди эканлигимдан фахрланаман, — дейди Навоий давлат педагогика институти талабаси Лазиз Қаюмов. — Мамлакатимизда тинчлик-осойишталик ҳукм сурмоқда, ҳар соҳада юксалиш ва тараққиётга эришилаяпти. Биз, ёшлар учун барча шарт-шароит яратиб берилаётир. Ана шу ғамхўрликка жавобан яхши ўқиб, Ватанимиз равнақига муносиб ҳисса қўшиш — бизнинг фарзандлик бурчимиздир. Бинобарин, мазкур акция бизни эзгу ғоялар атрофида жипслаштириб, юксак марралар сари чорлашга хизмат қилмоқда.

Фестивалда вилоятнинг Зарафшон шаҳри ҳамда Кармана, Хатирчи, Томди, Учқудуқ, Қизилтепа, Навбаҳор, Нурота, Конимех туманларида "Оммавий маданият" ва ёшлар маънавияти", "Депутат ва ёшлар", "Бу менинг Ватаним!", "Сиз севган қаҳрамонлар", "Замонамиз қаҳрамонлари" каби 18 та лойиҳа доирасида турли тадбирлар уюштирилди.

Меҳрибонлик уйлари ҳамда алоҳида меҳрга муҳтож кишилар учун "Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!" шиори остида турли маданий-маърифий учрашувлар ўтказилди. "Нуронийлар эъзозимизда" лойиҳаси асосида меҳнат фахрийлари, ёлғиз кексалар ҳолидан хабар олиниб, уй юмушларида кўмаклашилди. "Ўзбекистонга хизмат қиламан!" лойиҳаси доирасида ҳудуддаги ҳарбий қисм аскарлари томонидан тайёрланган кўргазмали чиқишлар эса ёшлар қалбида Ватанга садоқат, мардлик ҳамда шижоат туйғуларини янада мустаҳкамлагани, шубҳасиз.

Фестиваль якунида Навоий шаҳридаги "Ёшлар" спорт мажмуасида таниқли санъаткорлар ва ёш ижрочилар иштирокида "Мустақиллик фарзандлари" номли гала-концерт намойиш этилди. Унинг доирасида фаол ҳамда ташаббускор йигит-қизлар турли номинациялар бўйича диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Тадбирда Навоий вилояти ҳокими Эркин Турдимов сўзга чиқди.

**Азамат ЗАРИПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

МОДЕРНИЗАЦИЯ

Мамлакатимизда музқаймоқ ишлаб чиқарувчи корхоналар сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Бу, ўз навбатида, қайта ишлаш саноати ривожланиб, соғлом рақобат муҳити юзага келишига хизмат қилаяпти.

# Соғлом рақобат изланишга ундайди

Термиз шаҳридаги "Saidjon Muhammadjon muzqaymoqlari" масъулияти чекланган жамияти жамоаси ҳам харидорлар эътиборини қозониш мақсадида маҳсулот тайёрлашда ҳар бир жиҳатга, жумладан, уни мазали қилиб ишлаб чиқариш билан бирга, сифатли қадоқлашга ҳам алоҳида аҳамият қаратаяпти. Мижозлар талаби ўсиб бораётгани туфайли айни пайтга келиб, корхона маҳсулотлари тури 35 тага етди.

— Шу кунларда цехларимизга Хитойнинг замонавий технологияларини ўрнатаяпмиз, — дейди корхона иш юритувчиси Валижон Алибоев. — Бу маҳсулот сифатини янада яхшилаш ва турини кўпайтириш имконини беради. Қолаверса, қўшимча 60 та иш ўрни яратилади.

**Нормурод ТЕМИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ЭЪЛОНЛАР


## «NEW TRANS ALLIANCE» МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

2016 йил 18 май куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига Тошкент вилояти Оҳангарон тумани СИБ томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

**1.** ЖИБ Оҳангарон тумани судининг 2015 йил 4 декабрдаги1-425-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2008 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 40 V 978 BA бўлган, «GM UZ Nexia 2GL» русумли, техник соз ҳолда.

***Бошланғич баҳоси — 25 900 000 сўм.***

**2.** ЖИБ Оҳангарон тумани судининг 2014 йил 25 ноябрдаги 1-387-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1976 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 M 783 JA бўлган, «ВАЗ-2106» русумли, техник носоз ҳолда.

***Бошланғич баҳоси — 6 708 515,20 сўм.***

**3.** ЖИБ Оҳангарон тумани судининг 2015 йил 16 ноябрдаги 1-399-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 Y 695 CA бўлган, «ВАЗ-21063» русумли, техник носоз ҳолда.

***Бошланғич баҳоси — 5 800 000 сўм.***

**4.** ЖИБ Оҳангарон тумани судининг 2013 йил 20 майдаги 1-125-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 Y 826 BA бўлган, «ГБА СПГ М412 ИЭ» русумли, техник носоз ҳолда.

***Бошланғич баҳоси — 1 370 098 сўм.***

**5.** ЖИБ Оҳангарон тумани судининг 2015 йил 13 ноябрдаги 1-400-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2003 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 P 648 FA бўлган, «Nexia» русумли, техник соз ҳолда.

***Бошланғич баҳоси — 26 871 590,40 сўм.***

**6.** ЖИБ Оҳангарон тумани судининг 2015 йил 9 декабрдаги 1-4441-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2008 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 P 855 BA бўлган, «Nexia» русумли, техник носоз ҳолда.

***Бошланғич баҳоси — 30 997 993,60 сўм.***

**7.** ЖИБ Оҳангарон тумани судининг 2015 йил 7 майдаги 1-157-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1971 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 L 646 FA бўлган, «ВАЗ-21011» русумли, техник носоз ҳолда.

***Бошланғич баҳоси — 2 150 779,79 сўм.***

Аукцион савдоси Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уйда бўлиб ўтади.

Автотранспорт воситалари билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ҳамда савдо бошланишига бир иш куни қолганда соат 16.00 да тўхтатилади.

Талабгорлар автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир автотранспорт воситаси учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «New trans alliance» МЧЖнинг АТ «Asia alliance bank» Мирзо Улуғбек тумани филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904887305001, МФО: 01103, СТИР: 301829604.

Аукцион ғолиби сотиб олган автотранспорт воситаси қийматини 5 банк куни мобайнида тўлиқ тўлаши шарт.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй.**
**Телефон: (+99895) 504-99-85.**

Гувоҳнома № 004593.

606R/280








## «QORAQALPOQ MULK MARKAZI» МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

Аукцион савдосига Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан ЖИБ Хўжайли тумани судининг 2012 йил 7 сентябрдаги ижро варақасига асосан хатланган, «Хожели Дийхан базары» МЧЖнинг 36 фоиз улуши қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 1 979 989 425 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 18 май куни соат 12.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 16 май куни соат 18.00.

Объект (улуш) билан тегишли шаҳар суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар улуш бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, АТ «Туронбанк» Нукус филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204942016001, МФО: 00585, СТИР: 302129374.

**Савдо ўтказиладиган манзил:**
**Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, А. Шамуратова кўчаси, 117-«Б» уй, 2-қават.**
**Телефон: (0-361) 222-84-44. www.qmm.uz**

Гувоҳнома № 9506.

612R/282



## «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

## Қашқадарё вилояти филиали

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Китоб тумани СИБ томонидан ЖИБ Ғузор тумани судининг 2011 йил 18 ноябрдаги 1-243/2012-сонли ижро варақасига асосан, давлат фойдасига мусодара қилинган, Китоб туманида жойлашган, ер майдони 3227,0 кв.м., қурилиш майдони 764,81 кв.м. бўлган «Китоб» меҳмонхонаси такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 176 804 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 3 май куни соат 14.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 29 апрель куни соат 18.00.

Кўчмас мулк билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро хужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Қашқадарё вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» Қашқадарё филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609009, МФО: 00190, СТИР: 207122519.

**Манзил: Қарши шаҳри, «Қарлиқхона» МФЙ, Тошсарой кўчаси 20-уй.**
**Телефон: (0-375) 225-44-58. www.1kms.uz**

611A/180

Хизматлар лицензияланган.


### КИМ ЭДИГУ КИМ БЎЛДИК?

*Жиззах вилоятидаги таълим муассасаларида мустақиллигимизнинг йигирма беш йиллиги муносабати билан "Ким эдигу ким бўлдик, эртага қандай юксак марраларни эгаллашимиз керак?" мавзуида тарғибот тадбирлари ўтказилди.*

# Маънавий камолот

## эзгулик сари йўлдир

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ташаббуси билан Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият тарғибот маркази, "Ўзбеккино" Миллий агентлиги, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси, "Ўзбектеатр" ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамкорлигида ташкил қилинган маърифий анжуманларда таниқли шоир, ёзувчи ва ёш олимлар, кино ҳамда театр актёрлари, хонандалар иштирок этди.

— Бу тадбирлар орқали ёш авлод вакилларини умуминсоний ва миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш, онгу шуурини мафкуравий, маънавий ҳамда ахборот хуружларидан ишончли ҳимоя қилиш, фаол фуқаролик позициясини шакллантириш каби эзгу мақсадлар кўзда тутилган, — дейди Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги бошқарма бошлиғи Жамолиддин Узоқов. — Шу боис уларда истиқлол шарофати билан турли соҳалар, жумладан, таълим тизимида эришилган ютуқлар, жойларда олиб борилаётган бунёдкорлик ишларига бағишланган фотокўргазма, "Кеча ва бугун", "Ибратли йўл" деб аталган слайд-шоулар намойиш қилинди.

Бинобарин, миллий армиямиз салоҳияти акс эттирилган, бугунги кунда дунёнинг айрим давлатларида юз бераётган нотинчлик, хунрезликлар, уларнинг ортида турган кучларнинг ғаразли мақсадларини тушунтиришга қаратилган қисқа метражли фильмлар ҳам иштирокчиларни бефарқ қолдирмади.

— Президентимиз таъкидлаганидек, ёшларнинг турли бузғунчи ғоялар таъсирига тушиб қолмаслиги, ёт оқимларга кўр-кўрона эргашиб кетмаслиги учун уларда маънавий иммунитет юксак бўлиши керак, — дейди Жиззах тиббиёт коллежи ўқувчиси Маҳлиё Истамқулова. — Бу эса биз, келажак ворисларидан пухта билим олиш, касб-ҳунар эгаллаш баробарида, ён-атрофимизда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга огоҳлик билан муносабатда бўлишимизни талаб этади.

Тарғибот гуруҳлари вакиллари томонидан миллий қадриятларимиз, маданий меросимиз, уларнинг жамиятда ва ҳар биримизнинг ҳаётимизда тутган ўрни, фарзандларнинг ўз ота-оналари ҳамда Ватан олдидаги бурчи, меҳр-оқибат, юртга садоқат каби мавзуларда фикрлар билдирилди, санъаткорлар иштирокида мусиқий чиқишлар ташкил этилди.

**Тожиддин ҚАМАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бундан ташқари, банкимиз томонидан “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастури доирасида ишбилармонлар ўртасида ўзига хос кўрик-танлов эълон қилинган эди. Ўтган вақт ичида унга республикамиз бўйича боғдорчилик, балиқчилик, тикувчилик, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантиришга қаратилган 180 дан ортиқ лойиҳалар келиб тушган бўлса, шундан 5 таси “Энг яхши бизнес-режа” деб топилди. Банкимизнинг Чимбой филиали мижози — якка тартибдаги тадбиркор Дамир Абдуллаев, Қува филиали мижози — “Leading Flower” хусусий корхонаси раҳбари Набияхон Мамажонова, Тошкент минтақавий филиали мижози — “Stimul print” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Асрор Ҳотамов лойиҳаси шулар жумласидандир.

— Боғдорчилик, чорвачилик ва паррандачилик билан шуғулланамиз, — дейди Бўз туманидаги “Давр юксалиш сари” фермер хўжалиги раҳбари Илҳомжон Ҳакимов. — Бу йил эса балиқчилик тармоғини ҳам ривожлантириш ниятидамиз. Бунда “Қишлоқ қурилиш банк”нинг Андижон вилояти минтақавий филиали томонидан ажратилган 100 миллион сўм миқдоридаги маблағ асқатиши, шубҳасиз.

Айтиб ўтганимиздек, кўргазмада нобанк ташкилотлари ҳам фаол қатнашмоқда. Улар томонидан намойиш этилаётган маҳсулот ҳамда хизматларга эса иштирокчилар алоҳида қизиқиш билдираяптилар.

— Бугунги кунда юртимизда лизинг хизматлари жадал тараққий топмоқда, — дейди “Ўзмелиомашлизинг” лизинг компанияси директори Акром Сулаймонов. — Бунинг самараси ўлароқ, молиявий хизматнинг ушбу тури мижозларга имтиёзли шартлар асосида узоқ муддатларга тақдим этилаяпти. Хусусан, ўтган йили компаниямиз томонидан лизинг олувчиларга 257 та замонавий техника ва механизм етказиб берилиб, бу борада аввалги йилдагига нисбатан 60 фоиз ўсиш таъминланди. Шу билан бирга, етказиб берилаётган мелиоратив техникаларимиз тури ҳам кенгайди.



## Ўзбекистон банк тизими:

# БАРҚАРОР ФАОЛИЯТ, МУСТАҲКАМ КАФОЛАТ



Шомурот ШАРАПОВ ва Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Мазкур анжуман асносида бир нечта мижозимиз “Энг яхши интизомли тўловчи” ҳамда “Энг сифатли сервис хизмати” йўналишларида тақдирланади.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда тижорат банклари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш орқали янги иш ўринлари яратиш, бу жараёнга, айниқса, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини жалб қилиш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ишларига алоҳида эътибор қаратаяпти. Хусусан, бу галги тадбирда банклар томонидан чекка ҳамда аҳоли зич жойлашган туманларда фаолият юритаётган ишбилармонлар ўртасида ўтказилган танлов ғолибларига имтиёзли кредит ажратиш ҳуқуқини берувчи 500 дан ортиқ сертификатлар топширилади.

Кўргазма давомида, шунингдек, “Банк тизимида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига яратилган имтиёз ва қулайликлар” мавзуида очиқ мулоқот ҳам ўтказилиши режалаштирилганки, бу анжуманнинг янада самарали кечишидан далолат беради.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


## Замонавий хизматларнинг халқаро эътирофи

# «Ўзбекинвест»

**экспорт-импорт Миллий суғурта компанияси**

**мамлакатимиз корхоналари орасида биринчилардан бўлиб ISO 9001:2015 стандарти янги версиясига мувофиқ сифат менежменти тизими бўйича Швейцариянинг «SGS» компанияси томонидан қайта сертификатланди.**

Бундай муваффақиятга ташқи маслаҳатчилар жалб этилмасдан, мавжуд имкониятлар асосида эришилганини айтиш ўринлидир. «Ўзбекинвест» компаниясининг ISO 9001:2015 стандарти янги версиясига ўтишида ташқи ва ички контекст батафсил ўрганилиб, уни янада ривожлантириш имкониятларининг белгилаб олингани, ходимларнинг ушбу стандарт талаблари бўйича ўқитилгани, стратегик режалаштиришдан суғурта даъволарини кўриб чиқишгача бўлган барча бизнес жараёндаги қалтисликлар таъсирини баҳолаш ва камайтириш имконини берувчи тизимнинг ишлаб чиқилгани ҳамда жорий этилгани муҳим омил бўлди.

Мазкур сертификат ривожланиш, рақобатдошлик, суғурта бозорида етакчи ўринларни эгаллаш, суғурта фаолияти самарадорлигини ошириш, мавжуд молиявий, техник ва кадр ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳамда бошқарув тизимини оптималлаштириш борасидаги ишлар кўрсатилаётган хизматларнинг стратегик асоси сифатида қаралаётгани ва халқаро стандарт талабларига мувофиқлигини тасдиқлайди.



SGS

Certificate HU07/2470

The management system of

"Uzbekinvest" National Export-Import Insurance Company

2, A. Kadiriy Street,
Tashkent, 100017, Republic of Uzbekistan

has been assessed and certified as meeting the requirements of

ISO 9001:2015

For the following activities

General Insurance Business

Further clarifications regarding the scope of this certificate and the applicability of ISO 9001:2015 requirements may be obtained by consulting the organisation

This certificate is valid from 16 March 2016 until 15 March 2019 and remains valid subject to satisfactory surveillance audits. Re certification audit due before 12 February 2019 Issue 4. Certified since 22 March 2007

Authorised by

SGS United Kingdom Ltd Certification and Business Enhancement
Rossmore Business Park Ellesmere Port Cheshire CH65 3EN UK
t +44 (0)151 350-6666 f +44 (0)151 350-6600 www.sgs.com

SGS 9001 2015 0216

Page 1 of 1

SYSTEM CERTIFICATION ISO 9001 SGS

UKAS MANAGEMENT SYSTEMS 0005

This document is issued by the Company subject to its General Conditions of Certification Services accessible at www.sgs.com/terms_and_conditions.htm. Attention is drawn to the limitations of liability, indemnification and jurisdictional issues established therein. The authenticity of this document may be verified at http://www.sgs.com/en/Our-Company/Certified-Client-Directories.aspx. Any unauthorized alteration, forgery or falsification of the content or appearance of this document is unlawful and offenders may be prosecuted to the fullest extent of the law.

**Хизматлар лицензияланган.**

550R/248



ЭЪЛОНЛАР

**ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР РАҲБАРЛАРИ ВА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!**

## «ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АК

## «ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТРАНСПОРТ ТАРМОҒИ» ФИЛИАЛИ

**АҲОЛИНИНГ АЛОҚА ХИЗМАТЛАРИГА БЎЛГАН ЭҲТИЁЖИНИ ҚОНДИРИШ, МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИНИ БОШҚАРИШ УЧУН ХИЗМАТ ҚИЛАЁТГАН МАГИСТРАЛЬ АЛОҚА ЛИНИЯЛАРИ ТАРМОҒИ МУҲОФАЗАСИНИ ТАЪМИНЛАШИНГИЗНИ СЎРАЙДИ.**

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 майдаги 210-сонли қарори билан тасдиқланган «Телекоммуникация линиялари ва иншоотларини муҳофаза қилиш қоидалари»га мувофиқ,** магистраль алоқа линияларининг муҳофаза зонасига рухсатсиз кириб ишлаш ва уларга шикаст етказувчи ҳар қандай турдаги ишларни бажариш, жумладан:

- рухсатсиз қурилиш ишлари олиб бориш ва иншоотларни тиклаш;
- магистраль алоқа кабель линиялари устидан йўл ва ўтиш жойлари ўтказиш, автомобиль, трактор ҳамда бошқа транспорт воситалари учун тўхташ жойлари қуриш, жамоатчилик боғлари ва томорқалар ташкил этиш;
- магистраль алоқа кабеллари ўтган жойларни кўрсатувчи огоҳлантириш устунларини ҳамда белгиларини ўзбошимчалик билан кўчириш, синдириш, кўмиб юбориш;
- турли қурилиш-монтаж ва портлатиш ишларини олиб бориш;
- магистраль алоқа кабель линиялари муҳофаза зонасида қудуқлар қазиш, шурф қурилиши ҳамда геологик, геодезия ва бошқа қидирув ишларини олиб бориш;
- турли-туман чиқиндилар ташлаш, кислота, туз ҳамда ишқорли эритмаларни тўкиш;
- магистраль алоқа кабель линиялари ўтган ерда гулхан ёқиш **ҚАТЪИЯН ТАҚИҚЛАНАДИ**.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча хўжалик юритувчи субъектлар ва жисмоний шахслар алоқа кабелларининг муҳофаза ҳудудларида ер қазиш, ер текислаш, тупроқ олиш, қурилиш ва бошқа ишларни қатъий равишда **ФАҚАТ АЛОҚА ХОДИМЛАРИНИНГ НАЗОРАТИ ОСТИДА** амалга ошириши лозим.

**АЛОҚА КАБЕЛЛАРИНИНГ ШИКАСТЛАНИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАНГ! ҲУШЁР ВА ЭҲТИЁТКОР БЎЛИНГ!**

Алоқа кабелларининг муҳофаза ҳудудларида алоқа ходимларининг назоратисиз ер қазиш, ер текислаш, тупроқ олиш ва бошқа ишларни бажариб, алоқа кабелларининг узилишига ёки уларга шикаст етказилишига йўл қўйган ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ёхуд жисмоний шахс қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади ва улардан алоқа корхоналарига келтирилган моддий зарар ундириб олинади.




**ЭСДА ТУТИНГ!** Агар сизда магистраль алоқа кабелларининг муҳофаза ҳудудларида ер қазиш ҳамда қурилиш ишларини амалга ошириш зарурати туғилса, кабель трассасини ўзбошимчалик билан аниқлашга уринманг ва бу масалада «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси «Телекоммуникация транспорт тармоғи» филиалининг ҳудудий боғламаларига ёки магистраль алоқа кабели трассаси белгисида кўрсатилган кабель участкаси манзилига мурожаат этинг.

**Магистраль алоқа линияларини эксплуатация қилувчи боғламалар ва уларнинг кабель участкаси манзиллари ҳамда боғланиш телефон рақамлари:**

| | |
|---|---|
| **«ТТТ» филиали Биринчи боғламаси,** Тошкент ш., Қозитарнов к., 29-уй | (0-595) 144-84-04, 170-84-04, (0-371) 234-20-11, 235-36-59 (соат 8.00 — 17.00) |
| **Биринчи линия кабель цехи,** Тошкент ш., Буюк Ипак йўли к., 264-уй | (0-371) 265-80-43 (соат 8.00 — 17.00) (0-595) 199-19-40 |
| **Иккинчи линия кабель цехи,** Янгийўл ш., Чарикова к., 172-уй | (0-595) 199-19-32, 199-19-31 |
| **Тошкент шаҳар кабель участкаси,** Хуштепа 4-тор к., 4-уй, | (0-371) 250-37-45 (соат 8.00 — 17.00) (0-595) 199-19-34 |
| **Пахта кабель участкаси,** Чиноз тумани, Серсен к., 30-уй | (0-595) 199-19-36 |
| **Учинчи линия кабель цехи,** Тўйтепа ш., Спорт к., 45-уй | (0-595) 177-06-88 |
| **Ангрен шаҳар кабель участкаси,** Амир Темур к., 2-уй | (0-595) 177-02-68 |
| **Бекобод шаҳар кабель участкаси,** Х. Ходжимурадов 2-берк к., 18-«А» уй | (0-595) 177-06-64 |
| **«ТТТ» филиали Иккинчи боғламаси,** Қўқон ш., Янги Чорсу к., 264-уй | (0-595) 400-03-79, 400-03-84 (0-373) 554-42-42, (соат 8.00 — 17.00) (0-373) 542-34-17, 542-21-66 |
| **Биринчи кабель участкаси,** Янгиқўрғон ш., Чустий к., 1-уй | (0-373) 529-24-55 (соат 8.00 — 17.00) (0-590) 556-05-58 |
| **Иккинчи кабель участкаси,** Бешариқ ш., Сирдарё к., 9-уй | (0-373) 612-23-66 (соат 8.00 — 17.00) (0-595) 400-03-98 |
| **Учинчи кабель участкаси,** Наманган ш., Нурободдаҳаси, телеминора | (0-369) 225-08-82 (соат 8.00 — 17.00) (0-593) 400-40-25 |
| **Тўртинчи кабель участкаси,** Андижон ш., Чўлпон к., 9-уй | (0-374) 223-83-81 (соат 8.00 — 17.00) (0-595) 202-02-39 |
| **«ТТТ» филиали Учинчи боғламаси,** Гулистон ш., Мирзаобод тумани, Пиллакор қўрғони | (0-595) 510-96-99, 510-10-09 (0-367) 227-16-20, (соат 8.00 — 17.00) |
| **Биринчи линия кабель цехи,** Гулистон ш., Дўстлик қўрғони | (0-367) 227-00-44 |
| **Сирдарё кабель участкаси,** Сирдарё ш., Ўзбекистон к., Алоқа уйи | (0-595) 510-10-17 |
| **Иккинчи линия техник цехи,** Янгиер ш., Тинчлик к., 1-уй | (0-595) 510-10-27 |
| **Учинчи линия техник цехи,** Жиззах ш., Халқлар дўстлиги к., 9-уй | (0-372) 222-95-07 (соат 8.00 — 17.00) (0-595) 510-10-41 |
| **Кабель участкаси,** Даштобод ш., Дўстлик к., Алоқа уйи | (0-595) 510-95-26 |
| **«ТТТ» филиали Тўртинчи боғламаси,** Булунғур ш., Самарқанд к., 18-уй | (0-595) 199-00-55, 177-50-05, 500-19-07 (0-366) 442-68-03, (соат 8.00 — 17.00) (0-366) 442-68-15 |
| **«ТТТ» филиали Бешинчи боғламаси,** Бухоро ш., Ғиждувон к., 69-уй | (0-595) 600-12-02, (0-365) 224-45-41 (соат 8.00 — 17.00) |
| **Линия кабель цехи,** Бухоро ш., Шейхон к., 71-уй | (0-365) 223-38-37, (0-595) 600-60-15 (0-365) 228-53-22 (соат 8.00 — 17.00) |
| **«ТТТ» филиали Олтинчи боғламаси,** Нукус ш., Ашхобод к., 1-уй | (0-595) 601-14-96, 601-11-85 (0-361) 222-37-07 (соат 8.00 — 17.00) (0-595) 601-11-53, 601-12-29 |
| **Тўрткўл кабель участкаси,** Тўрткўл ш., Туман телекоммуникация боғламаси | (0-595) 601-43-86 |
| **Тўрткўл кабель участкаси,** Беруний ш., Туман телекоммуникация боғламаси | (0-595) 601-43-84 |
| **Қўнғирот кабель участкаси,** Қўнғирот ш., Туман телекоммуникация боғламаси | (0-595) 601-43-67 |
| **Жаслиқ кабель участкаси,** Қўнғирот тумани, Жаслиқ аҳоли пункти, Тулей стан-си | (0-595) 601-05-28, 601-14-97 |
| **«ТТТ» филиали Еттинчи боғламаси,** Термиз ш., Тараққиёт к., 32-уй | (0-595) 501-11-02, 501-46-36 (0-376) 223-13-85, 223-13-79 (соат 8.00 — 17.00) |
| **Линия техник цехи,** Денов ш., Ш.Темиров к., 4-уй | (0-376) 224-07-65, (0-595) 501-11-07 (0-376) 413-17-71, 224-22-11, 223-15-34 |
| **«ТТТ» филиали Саккизинчи боғламаси,** Қарши ш., Ҳуснобод к., 1-уй | (0-595) 505-05-41, 505-02-62 (0-375) 221-02-41 (соат 8.00 — 17.00) |
| **1-Линия техник цехи,** Қарши ш., Ҳуснобод к., 1-уй | (0-375) 221-17-25, (0-595) 505-05-23 |
| **2-Линия техник цехи,** Ғузор ш., Гулзор к., 23-уй | (0-375) 505-05-13, (0-595) 506-81-68 (0-375) 552-11-67 |
| **«ТТТ» филиали Тўққизинчи боғламаси,** Урганч ш., Дўсов к., 2-уй | (0-595) 602-22-18, 602-22-13 (0-362) 223-36-58, |
| **«ТТТ» филиали Ўнинчи боғламаси,** Навоий ш., Садоқат к., 2-«Б» уй | (0-595) 603-07-38, (0-598) 278-07-01 (0-595) 610-07-05, (0-436) 224-74-21 |
| **Биринчи линия техник цехи,** Каттақўрғон ш., Чағаноқ қишлоғи | (0-595) 603-33-19, (0-366) 455-24-54 |
| **Биринчи кабель участкаси,** Ғиждувон ш., Ғовшон қишлоғи | (0-595) 603-33-25 |
| **Иккинчи кабель участкаси,** Учқудуқ ш., ДЭУ қўрғони | (0-595) 603-12-84, (0-436) 593-09-35 |
| **Нурота кабель участкаси,** Нурота ш., Ш. Рашидов к., 32-уй | (0-595) 603-31-32, 610-69-89 |

UZTELECOM

160R/66



«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
232-11-15,
236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz

02



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 467. 116 473 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев.
Навбатчи — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.30 Топширилди — 21.45 1 2 3 4 5 6